

2
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 5 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЎЗARO ЧЕГАРАДОШ БЎЛГАН ТУМАНЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ БИЛАН ТАНИШДИ.



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 6-AVGUST, №31 (1228)



NAZORAT

ОБУНА ПУЛИ ҚАЕРГА КЕТДИ?

Буни энди газета тарқатувчилардан сўраш керак. Қашқадарё вилояти «М.Т.» корхонасининг Чироқчи тумани бўлими раҳбари А.Т. ва ҳисобчиси Д.Ф. фикри бир жойдан чиқиб, анча-мунча пулни гумдон қилиб юборишди.

Улар 2016-2017 йилларда обуначилардан йиғиб олинган 13 млн. 618 минг 800 сўм пулни «Халқ сўзи», «Народное слово», «Қашқадарё» ва «Новости Кашкадарё» газеталари тахририятга тўлаб бермасдан, ўз билганларича ишлатишган.

Хўш, бу пуллар қаерга кетди дерсиз. Икки шерикнинг ҳожатбарорлиги тутиб, тадбиркор М.С.нинг банкдан олган кредити ва унинг фоизи учун тўлаб беришди.

Тадбиркор ҳам бу яхшиликка жавобан ўтказилган маблағнинг 80 фоизини нақдлаштириб берди. Натижада газета тахририятлари обуна пулидан курук қолишди.

Бўлим раҳбари А.Т. ва ҳисобчи Д.Ф.нинг қилмиши шу билан тугамади. Улар бўлимда ишламайдиган 9 фуқаронинг жарима ва ўқиш учун шартнома пулини ҳам тўлашга ёрдамлашишди. Ўзларига иш хақи ва ёрдам пули ёзишди. Хуллас, 55 млн.

217 минг 200 сўм пулни ўзлаштиришди.

Обуначилар газеталарнинг ўз вақтида етиб келмаслигидан кўп норози бўлишади. Ўртада калтак тахририятларнинг бошида синади. Ҳарқалай, бу гал обуна пулига кўз олайтирганлар жазосини олди. Энди бошқалар ҳам бундан хулоса чиқаришса яхши бўларди.

Баҳриддин АЗИЗОВ,
департаментнинг Чироқчи тумани бўлими бошлиғи

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚ ЕНГИЛМАС

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун кенг камровли чора-тадбирлар белгиланди. Фуқароларнинг карантин чекловларига, санитария-эпидемиология қоидаларига риоя этиши инфекция тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Фарғона вилояти прокуратураси органлари томонидан белгиланган чора-тадбирлар ижроси алоҳида назоратга олинган.

Улуғбек ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти прокурори

Карантин шароитида аҳолини озиқ-овқат ва дори-дармонга эҳтиёжини қондириш, нархлар асоссиз равишда оширилишининг олдини олиш чоралари кўриляпти. Озиқ-овқат ва дори-дармон нархини оширган 156 шахс, карантин талабига амал қилмаган 65 082 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 7 та жиноят иши кўзғатилди.

Инкирозга қарши курашиш жағғармаси томонидан вилоят санитария-эпидемиология осойишталик марказига ажратилган 31 млрд. сўм пулнинг тўғри сарфланиши ўрганиб борилмоқда. Ушбу жараёнда ортиқча сарфланган 462 млн. сўм пул қайтарилиб, тиббий буюмлар сотиб олинishi таъминланди. Фуқароларни коронавирусдан химоя қилиш ва даволаш учун 21 турдаги дори-дармоннинг 10 млрд. сўмлик захираси яратилди.

Фуқаролар «тез ёрдам»га 103 рақами орқали мурожаат этганида бандлик бўлмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатилди. Барча «тез ёрдам» бўлимлари раҳбарлари ҳар бир кўнғирок асосида чакириқ жойига белгиланган муддатда етиб боришини таъминлаш ва қонун бузилишига йўл қўймаглик борасида огоҳлантирилди. Шу билан бирга, «тез ёрдам» станцияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари қатъий назоратга олинди. 20 та янги транспорт олиб келинди, «тез ёрдам» бўлимлари биноларининг 7 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ташкил қилинди. Фарғона шаҳридаги иккита ва Фурқат туманидаги битта тез тиббий ёрдам подстанцияси таъмирланди. Бундан ташқари, «тез ёрдам» автомобиллари радиоолоқа билан тўлиқ таъминланиши учун 1 млрд. 300 млн. сўм пул ажратилди.

Давоми 6-бетда



2020 йил 5 август
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
27 554 нафар



Соғайганлар
18 682 нафар



Вафот этганлар
169 нафар

БАРЧАСИ БАХТЛИ ҲАЁТ УЧУН

Йигирманчи асринг ўрталарига келиб, қишлоқ хўжалигида Амударё ва Сирдарё сувининг ҳаддан зиёд ишлатилиши оқибатида Орол денгизига тушадиган сув миқдори 10-15 баробар камайиб кетди. Ушбу глобал муаммони бартараф этиш мақсадида дунё ҳамжамияти томонидан қатор ишлар қилинди.

Аммо бу қутилган натижани бермади ва денгиз бўйида яшовчи аҳоли жуда қийин экологик вазиятни бошидан кечирини-га мажбур бўлди. Аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпайди. Мана шу муаммоларга барҳам бериш учун 2017 йил 18 январда давлатимиз раҳбарининг «2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар бажарилиши туфайли Мўйноқ тумани аҳолиси тоза сув билан таъминланди.

Ҳукуматнинг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қарорига кўра ҳудудда қарийб 1,5 трлн. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланди.

Мана шу ишларнинг давоми сифатида 2019 йил 15 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг «Орол денгизи тубида суви қуриган ҳудудларда “Яшил қопламалар” химоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва 461 минг гектар ерда тўқайзорлар барпо этилди. 2019 йилнинг кузи ва 2020 йилнинг баҳорида эса 706 минг 401 гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди.


Бундан ташқари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси томонидан 83 минг 227 гектарлик 124 та қўл танлов асосида балиқчилик хўжалиқларига ижарага берилди. Таъкидлаш лозимки, ҳудудда ўтган йили 15 минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилиб, ушбу режа 102 фоиз бажарилди. 2020 йилнинг 1 июлигача 3 829 тонна балиқ овланган.

Туманда балиқ етиштирилиши ҳақида гап кетганда «Мўйноқ аква саноат» ДУК балиқни қайта ишлаш ва консервлалашга ихтисослашган 26,2 млрд. сўмлик корхонани ишга туширганни айтиш жоиз. Корхона ишга тушиши билан унда 3 650 тонна балиқ қайта ишланиб, 9 млн. дона консерва, 780 тонна қийма, 400 тонна лаҳм гўшт тайёрланган.

Бундан ташқари, «Қорақалпоқбалиқсаноат» МЧЖ йилига 200 тонна балиқ етиштирилади, 5 минг тонна омихта см ишлаб чиқаради. Корхона 4,5 тонна балиқни қайта ишлаш цехи ҳамда 1000 тонналик музлаткичи камерани ишга туширди.

Албатта, йиллар давомида қуруқ гап ва ваъдаларга ишониб яшаган, лекин шароити жуда ачинарли аҳолига келиб қолган ҳудуд аҳолиси бутун Мўйноқда қилинаётган ишлардан жуда мамнун. Бугунги синовли кунларда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда.

Раҳат ЖАББАБЕРГЕНОВ,
Орол табиати муҳофаза қилиш прокурори



СИНОВЛИ ДАМДА БИРГАМИЗ

Бутун башарият синовли ва оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирусга қарши курашиш йўлида халқимиз бирлашиб, бирдам ва ҳамжиҳат бўлди. Ҳукуматимиз томонидан карантин вақтида қийин аҳволда қолган инсонларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилмоқда.

Харбий прокуратура органлари ҳам карантин шароитида аҳоли саломатлиги ва турмуш фаровонлиги таъминлаш ишларига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. Бу борада қилинган ҳар бир муурожаат қатъий назоратга олинган. Жумладан, Тошкент ҳарбий прокуратурасининг ишонч телефонига Тошкент шаҳар, М.Улугбек туманида яшовчи фуқаро Маратова Сония кўнғирок қилиб, карантин вақтида озиқ-овқат ва дори-дармондан қийналаётганини маълум қилди.

Тошкент ҳарбий прокурорининг ташаббуси билан прокуратура ходимлари фуқаро С.Маратовага озиқ-овқат ва дори-дармон олиб бориб, унинг ҳолидан хабар олинди.

Бундан ташқари, даволаш муассасаларида объектларни кўриклаш устидан ҳам қатъий назорат ўрнатилган. Жорий йилнинг 4 август куни Тошкент ҳарбий прокурори О.Холбоев ва катта ёрдамчи Ш.Хайитовлар томонидан “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган “Covid-19” инфекцияси билан касалланган шахсларни даволаш муассасасида ҳарбий хизматчилар томонидан объектнинг кўриқлиниш аҳволи ўрганилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Гулчеҳра ТУРСУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

FAOLIYAT

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси сабаб карантин эълон қилинди. Барча ҳудудлардаги дорихоналарда дориларнинг узлуксиз етказиб берилишини таъминлашга, нарх-навонинг барқарорлигига эътибор қаратилмоқда.



Аҳоли ва тадбиркорларнинг карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда савдо қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари ҳамда вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси ходимлари дорихоналар фаолиятини мунтазам ўрганиб бормоқда.

Урганч шаҳридаги дорихоналарда ҳар доимгидек иш тартиби жорий этилган. Сотувчи ва харидорлар оралиқ масофани сақлаган ҳолда эҳтиёжга яраша дори харид қилаёпти. Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра дорихоналарда дориларнинг сотилиши ва захираси тегишли ташкилотлар томонидан қатъий назоратга

олинган. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўчма дорихона ташкил этилиб, ижтимоий тармоқлар орқали берилган буюртмалар асосида дорилар керакли манзилга етказилмоқда.

Хусусан, вилоятнинг барча шаҳар ва туманлардаги чекка маҳаллаларда яшовчи аҳолига 36 та кўчма дорихона орқали 190 млн. 786 минг сўмлик 18 хил дори-дармон ва тиббий буюмлар арзон нархларда етказиб берилди.

Бюджетдан ажратилган 35,5 млрд. сўмлик дори-дармонлар вилоятдаги тиббий муассасаларга тарқатилган.

Департамент органлари сифатсиз ва қалбаки дорилар ҳамда тиббий буюмларни қонунга хилоф равишда ишлаб

чиқариш ва муомалага киритишнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ рўйхатга киритилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон ва тиббий буюмлар учун белгиланган нархларга риоя этилишини таъминлаш ҳамда сифатсиз дори ва тиббий буюмлар муомалага киритилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда 9 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 12,1 млн. сўмлик дори-дармон ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Албатта, бу каби тадбирлар давом эттирилади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, коронавирус инфекциясига қарши курашда бирдамлик асосий аҳамиятга эга. Яъни зарур бўлмаган ҳолда кўчага чиқмаслик, ваҳимага берилмаслик, шифокор маслаҳатига риоя қилиш керак. Ҳар бир юртдошимиз карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ўз ҳаёти ва яқинлари соғлигини асраши пандемияни енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонгир САПАЕВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

ИНСОН ЭРКИГА ТАҲДИД

Одам савдоси бутун дунёни ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Мазкур тоифадаги жиноятларда жабрланувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегарадан ўтказиш орқали сотиб юборилади.

Бу иллатга қарши барча давлатлар ҳамкорликда курашиши зарур, акс холда кўрилаётган чоралар етарли самара бермайди. Халқаро таҳлилчиларнинг маълумотига қараганда, ҳар йили ер юзида 4 миллиондан ортиқ катта ёшдаги киши ва 10 миллион бола одам савдоси туфайли қулликка гиррифтор бўлмоқда. Бугунги кунда одам савдоси орқали топилаётган даромад ноқонуний қурол-яроғ ва олмос савдосининг даромадига тенглашган бўлиб, ҳар йили одамфурушлар 32 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул топади. Ташвишланарлиси, сотилаётганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир.

Бу жиноятга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, бу борада мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Ўзбекистон кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилган. БМТнинг 1950 йилда қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар то-

монидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияси, 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияси шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, 26-моддада эса ҳеч қим қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда 2008 йил 17 апрель куни «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳамда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши



курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши, унга асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиши ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширди. Бизнинг фикримизча, одам савдосига қарши курашишда аҳолига бу иллатнинг мудҳиш оқибатини тушунтириш ғоятда муҳим.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграциясини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, чет элда ишламоқчи бўлган фуқароларни ёллаш юзасидан халқаро шартномалар тузиш, уларнинг иш жойига омон-эсон етиб боришини таъминлаш учун қулай шароит яратиш чораларини кўриб бориш зарур.

Шуҳрат ХИКМАТОВ,
Пешку тумани прокурори

FAOLIYAT

КРЕДИТ ҚАРЗИ УНДИРИЛДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилган. Улар банклардан имтиёзли кредит олиши мумкин. Бироқ кредитни ўз вақтида қайтармаётганлар ҳам учраб турибди.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг 2019 йил 20 декабрдаги ижро варақасига асосан «Шеробод голд фреш» МЧЖ ва «Ҳасан-Ҳусан ривожлантириш» ХКдан «Халқ банки»нинг Шеробод тумани бўлимига жами 1 млрд. 125 млн. 442 минг 897 сўм кредит қарзини ундириш белгиланган. Ушбу ижро ҳужжати МИБ Шеробод тумани бўлимига 2020 йил 27 январда келиб тушган ва ишга киришилган.

Ижро ҳаракатлари давомида «Шеробод голд фреш» МЧЖнинг Шеробод тумани «Олтин воҳа» МФЙда жойлашган меҳмонхонаси, ошхонаси ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш биноси, 2015 йилда ишлаб чиқарилган «Орландо» автомашинаси ҳамда Қизилқум тумани «Оқжар» МФЙда жойлашган қурилиш моллари дўкони қарзни қоплаш мақсадида «E-ijro aukcion» онлайн савдо майдонига сотувга чиқарилган. Аукционда «Орландо» автомашинаси 135 млн. 900 минг сўмга, қурилиш моллари дўкони 120 млн. сўмга сотилиб, тушган пул «Халқ банки»нинг Шеробод тумани бўлимига ўтказиб берилган.

Шунингдек, «Шеробод голд фреш»нинг меҳмонхонаси, ошхонаси ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш биноси сотилмагани сабабли «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосан 10 фоиз арзон нархда «Халқ банки»нинг Шеробод тумани бўлими балансига ўтказиб берилиб, ижро иши тамомланди.

Равшан НАМАЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

АМАЛ ТЕГИБ...

Гулнора (исмлар ўзгартирилган) 2018 йилнинг сўнги ойдан Пастдарғом тумани мактабгача таълим бўлими мудирининг лавозимида ишлаб бошлади. Энди у мансабдор, хизмат вазифаларига кўра моддий жавобгар киши. Қўлидагилар унга бўйсунди, фақат уларни қандай «авраш» ўзига боғлиқ.

Аёл буни яхши уйдлади. Амассаса ходимларига ойлик иш ҳақи ва бошқа маблағларни ҳисоблашни назорат қилиш, талбиркорлик субъектлари билан шартнома тузиш каби вазифаларидан ўз манфаати йўлида фойдаланди. 2018 йил май ойида 8 нафар ходимга турли буйруқларга асосан ҳайфсан берилган. Шундай бўлса-да, уларга маълум миқдорда рағбатлантириш ва ёрдам пули бериш ҳақида сохта буйруқ чиқаришган. Расмий ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан 7 млн. 931 минг 538 сўм пулни талон-торож қилган.

Гулнора бу билан чекланмади, аксинча, иштахаси янада очилди. Бош ҳисобчи ва ҳисобчи билан гапни битта қилди. Амалдаги талабларга зид равишда 56-МТМ тарбиячи ёрдамчиси С.Муҳаммадиевага 4 млн. 373 минг 610 сўм, Д.Қўйбоқаровага 3 млн. 855 минг 553 сўм, 27-МТМ ходими В.Йўлдошевага 286 минг 754 сўм туғруқ таштили пулини сохта ҳужжатлар билан расмийлаштириб, жами 8 млн. 515 минг 917 сўм маблағни ўзлаштирди.

Бундан ташқари, туман МТБга кадрлар бўйича мутахассис сифатида 2017 йил декабрь ойида ишга қабул қилинган Дилнур аслида тумандаги педагогика ва спорт коллежида кадрлар бўйича мутахассис ҳамда ўқитувчи вазифасида 2017 йил декабрь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар буйруқ асосида ишлаб келган. Гулнора бундан фойдаланди. Туман МТБда фақат номи ишлайдиган Дилнурга 2019 йил январь-май ойларида 5 млн. 485 минг 403 сўм иш ҳақи ёздириб, ўз эҳтиёжига сарфлаган.

Икки жойда «ишлайдиган» Дилнур ҳам бўш ўтирмади. Халқ таълими бўлимининг собиқ мудирини, ҳисобчилар ва Гулнора билан тил бириктириб, интизомий жазога тортилган бир нечта ходим номига рағбатлантириш пули ёздириб, бюджетдан 12 млн. 451 минг 118 сўм пулни ундиришга эришди.

Бундан ташқари, ҳамтовоклари билан келишим ҳолда Дилнурга ўзи ва 6 нафар ходимга иш ҳақи ёзилишига эришиб, 31 млн. 701 минг 304 сўм пулни талон-торож қилган.

Суд мажлисида сулланувчилар ўзларини оқлашга уриниб, ходимларга ҳайфсан берилгани, аммо ушбу интизомий жазо туман МТБ мудирининг ҳамда касба уюшмасининг буйруғига асосан муддатидан олдин олиб ташлангани, ҳозирги кунда эса ушбу буйруқ йўқолганини баён қилишди. Дилнур ва яна 6 ходим туман МТБга 1 шгат бирлигига қабул қилингани, МТБ биноси бўлмагани сабабли у ва бошқа ходимлар ўзлари ишлаган жойда ишлаб тургани ҳақида кўрсатма берди.

Сулланувчиларнинг айби судда фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди. Уларга 1 йил муддатга барча корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Баҳодир ДЖАББОРОВ,
Пастдарғом тумани прокурорининг ўринбосари

30 июн куни «Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

ЯНГИ АГЕНТЛИК, ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда парламентга қилган мурожаатида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини қайд этиб, парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунгани ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисоб беради.

Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти

институтлари биргаликда фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул.

Агентликка давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги коррупцияни ўрганиш, тўпланган материалларни қонуний чора кўриш, жумладан, жиноят иши қўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга такдим қилиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши этиб қайта ташкил этилди. Агентлик миллий кенгашнинг ишчи орга-

ни этиб белгиланди.

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Бош прокуратура академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни қамраб олувчи махсус дастурлар бўйича таълим олиши белгилаб қўйилди.

Умид қиламизки, агентлиkning ташкил этилиши коррупцияга қарши курашиш самардорлиги тубдан ошишига хизмат қилади.

Бекзоджон ҚОБИЛОВ,
Чилонзор тумани прокурорининг
ёрдамчиси лавозимида иш
ўрғанувчи

СУД ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан суд тизимида ҳам ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, суднинг ҳолислигини таъминлаш мақсадида суд раисларининг ваколатидан ишларни тақсимлаш билан боғлиқ норма чиқарилиб, ишларни судьяларга фақат автоматик равишда тақсимлаш амалиёти жорий этилди.

Энди иқтисодий судларга юридик шахслар қиритган даъво аризаси ва унинг иловалари жавобгар ҳамда судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юборилади.

Суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизими орқали автоматик равишда шакллантириш ҳамда расмий сайтда чоп этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Юридик шахсларнинг вакиллари суд раислари ва судьяларнинг қабулига масофадан ёзилиб, электрон навбат олиши механизми жорий этилди. Бугунги кунда фуқаролар видеоконференцалока режимида суд раислари ва судьяларнинг қабулида бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси суд тизими Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлашда фаол қатнашаётганини кўрсатмоқда.

Одилбек ИЛХОМЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси

SHARH

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛАДИ, НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

Хаҳон миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатъий карантин чоралари киритилгани, энг аввало, иқтисодий фаолликнинг ва аҳоли даромадларининг пасайишига олиб келмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий вазият дунёнинг барча мамлакатларида кескин ёмонлашди. Ривожланган мамлакатларда ялли ички маҳсулотнинг пасайиши 10-20 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда эса 7-15 фоизни ташкил этди.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёنлари фаол кириб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам глобал муаммолардан зарар кўрмоқда. Инқирозга қарши кўрилган қатъий ва амалий чора-тадбирлар эвазига 6 ой якунлари билан Ўзбекистон ялли ички маҳсулоти 0,2 фоизга ўсди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган шахслар иш жойларини вақтинча йўқотдилар, хориждан 200 мингдан ортиқ ватандошимизнинг олиб келиниши ишсизлар сонини кўпайтирди.

Бундай мураккаб шароитда аҳолини, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатнинг биринчи даража-ли эътиборида турибди.

Шу мақсадда, 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни қабул қилди.

Фармонга биноан:

Биринчидан, пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхатида киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам пули берилади. Бунга республика бюджетидан қўшимча 380 миллиард сўм ажратилади.

Иккинчидан, муқаддас Қурбон ҳайити байрами арафасида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намён этадиган муҳтожлар ҳолидан хабар олиш аънанасини давом эттирган ҳолда, жойлардаги «Саховат ва кўмак» жамғармалари орқали 220-250 минг

оилага республика бюджетидан жами 200 миллиард сўм ажратилди. Бунинг натижасида 1 миллиондан ортиқ аҳоли нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминланди.

Шунингдек, ушбу улуг айём кунлари «Вақф» хайрия жамоат фондиди қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан 150 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағ жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакиллари моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Учинчидан, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фаол иштирок этиб, ҳаётини хавф остига қўйиб жонбозлик кўрсатаётган тез тиббий ёрдам бригадаларининг шифокорлари, ҳамширалари, кичик тиббий ходимлари ва ҳайдовчиларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун 100 миллиард сўм ажратилади. Бунинг эвазига 26 миң оиланинг моддий аҳволи яхшиланади.

Юқоридаги чоралар ҳисобига Ўзбекистондаги 652 миң оилага моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, қабул қилинган Фармонда пандемия даврида ижтимоий нафақа олувчилар сонини кескин ошириш бўйича 400 миңтагача етказилади ёки йил бошига нисбатан қарийб 1,5 баробарга кўпайтирилади;

14 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар сонини йил бошига нисбатан 2,5 баробардан ортиқча ошириб, уларнинг сони декабрь ойида 700 миңтагача етказилади;

кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам олувчилар сони йил бошига нисбатан 1,5 баробарга оширилиб, 100 миңтагача етказилади.

Умуман олганда, ижтимоий нафақа олувчиларнинг умумий сони 600 миңтага кўпайиб, жорий йилнинг де-

кабрь ойида 1,2 миллионга (мамлакатдаги жами оилаларнинг қарийб 14,1 фоизи) етказилиши кўзда тутилмоқда ва бунга бюджетдан қўшимча 426 миллиард сўм ажратилади.

Ўзбекистонда камбағал оилаларнинг умумий сони республикадаги жами оилаларнинг 12-15 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, ижтимоий нафақа механизми билан йил охирига бориб мамлакатдаги барча камбағал оилаларнинг ҳар бир қатлами тўлиқ қамраб олинади.

Бунга юқорида айтиб ўтилган бир марталик моддий ёрдам олувчи оилалар сонини қўшсақ, давлатдан молиявий кўмак оладиган оилаларнинг сони сезиларли даражада кўпаяди.

Фармонда, шунингдек, кекса ёшдаги ҳамда ногиронлиги бор шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 10 фоизга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бу эса, жорий йил январь-июль ойларидаги инфляция кўрсаткичларидан 4,3 фоиз юқоридир.

Бу 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларни, 687 миң нафар ногиронлиги бўлган шахсларни, 210 миңдан ортиқ боқувчисини йўқотган шахсларни пандемия даврида моддий қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Бунда, уртача пенсия миқдори 764 миң сўмдан 841 миң сўмгача ошади.

Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори амалдаги 466 680 сўмдан 513 350 сўмгача кўпаяди.

Шунингдек, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига (7 йил) эга бўлмаган, ҳаёти давомида Пенсия жамғармасига умуман бадал тўламаган 37,5 миң нафар кекса фуқарога бериладиган нафақа ойига 315 030 сўмгача оширилади.

Фармонда кўзда тутилган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 2020 йилнинг охиригача бюджетдан жами қўшимча 2,5 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

ЎЗД

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида ҳали йиғирмага ҳам қирмаган икки навиқрон йигит ва бир ўсмирнинг жинояти кўриб чиқилди. Улар босқинчилик ва қотилликда айбланмоқда эди.

Қайд этилишича, уларнинг етакчиси Зокир Оролов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2000 йилда туғилган. Қарши шаҳридаги коллежнинг 3-босқич ўқувчиси. Аввал судланмаган, бўйдок. Қарши шаҳрида яшаган.

Жиноий гуруҳнинг навбатдаги аъзоси Бобобек Элмуродов ҳам 2000 йилда туғилган. Қарши шаҳридаги коллежнинг 3-босқич ўқувчиси. Илгари суд ҳукмига асосан айбли деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баравари миқдорда жарима тайинланган, сўнг бу жазо суд ажримига асосан 13 кун озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган. Бобобек бу жазони ўтамаган. Бўйдок, Тошкент шаҳрида рўйхатда туриб, Қарши шаҳрида яшаган.

Гуруҳнинг кенжа аъзоси, воёга етмай туриб жиноят содир этган Сардор Бахтиёров 2002 йилда туғилган. Қарши шаҳридаги коллежнинг 3-босқич ўқувчиси. Муқаддам судланмаган, бўйдок, Қарши шаҳрида яшаган.

Зокир дарсдан сўнг курсдоши Сардор билан нон цехида ишларди.

– Бўлмапти, қўл ишга бормапти, – деди Зокир уф тортганча Сардорга. – Кўпроқ пул топиш керак.

– Ўғирлик қиламиз, – деди Сардор атрофга аланглаб. – Бирор жой топармиз...

– Маҳалламизда Хушнуд деган домла бор, – деди Зокир. – Эртага Самарқандга ишга кетади. Уйда фақат чол-кампитр қолади. Кечаси борамиз. Пули кўп уларнинг. Фақат икковимиз қийналиб қоламиз. Яна бир шерик топиш керак...

– Бўпти, мен топаман, – деди Сардор. Эртаси куни Сардор коллежда таниши Бобобекни гапга солди. У ҳам пули йўқлигидан қийналиб юрган экан. Сардорнинг таклифи унга мойдай ёқди.


– Бир кечада беш миллион сўмли бўласан, – дея авради уни Сардор.

Кечкурун учови нон цехининг қоровулхонасида учралишди. Келишилганидек ҳаммаси қуролланиб олганди. Кимдадир арматура бўлаги, пичок, кимдадир темир қувур, кимдадир таёқ, аркон... Юзларини кўриш учун тешик очилган эски шапка ва дўхтирларнинг никоби билан тўсадиган бўлишди...

Бироқ бу хонадонда уларнинг ови юришмади. Девор ошган йиғитчалар эшик олдида кўнлаб пойабзал турганини кўриб қолишди. «Эҳ, мехмонлар бор экан», – дея шивирлади Зокир. Индамай орта қайтишди.

«Бир ҳафтадан кейин яна борамиз...», – деди Зокир шерикларини юпатиб. Йўл-йўлакай яна бир хонадонни нишонга олишди. Аммо Бобобек уларни фикридан қайтарди:

– Бу уй эгасининг пули бўлганида уйи шундай хароба бўлиб ётармиди? – деди ховлига ишора қилиб. – На ховли девори, на дарвозаси бор... Қирганингга арзимайди...



УЧ ШАРПА

ЯНВАРЬ КЕЧАЛАРИДАН БИРИ. Кўчада уч шарпа кетмоқда. Совуқ нигоҳларида фақат қўлга киритилажак бойлик ҳирси ёнади. Қўйни-қўнжи темир ва ёғоч калтакларга тўла бу кимсалар ҳеч нимадан тап тортмасди шу топда...

– Ерқўрғон бозори томонда Зубайда холам туради, – деди Сардор ҳовлиқиб. – Юз миллион сўм пули бор. Аниқ биламан. Ўша ёққа борайлик...

Бобобек ажабланиб унга қаради. Бирок Сардор парво ҳам қилмасдан уларни холасининг уйини тунашга қистарди...

Бозор атрофидаги маҳаллалардан бирига етиб борганларида вақт ярим тундан ошиб кетганди. Сардор холасининг уйи томон бошлаб бораркан, шерикларига уйнинг тузилишини тушунтирарди.

– Фақат пул қаерда туришини холамнинг ўзи биледи... – деди у охирида.

Девор ошиб ховлига тушишди. Зокир ва Бобобек бошларига тешикли шапкаларини илиб олишди. Сардорбек эса тиббий никобни юзига тақди. Ичкарига киришди. Сардор кўлидаги телефонининг чирогини ёқди. Кимдир ерда кўрпачада ухлаб ётган Зубайда опанинг оёғига қоқилиб тушди. Аёл уйғониб кетиб бақира бошлади. Босқинчилардан бири унинг озгини қафти билан ёпди. Бошқаси арматура билан дуч келган ерига ура бошлади.

Бу орада аёлнинг ўғли Анварни ҳам бошига уриб сулайтиришга улгуришди. Унинг бошидан сачраган қон деворни бўяди. Кўз ўнгига содир бўлаётган бу дахшатдан аёл эсдан оғар даражада кўркўвга тушиб, қонига бўялгани ҳолда босқинчиларга илтижо қиларди:

– Нима десаларинг бераман, фақат ўғлимга тегманглр...

Босқинчилардан бири унинг бўғзига пичок тиради. Бошқаси эса яна Анварни калтаклай бошлади.

– Пул қани? – газабнок тарзда вишиллади шарпалардан бири.

Аёл инграганича ишора қилди: – Гиламнинг тагида...

Бироқ ҳамма жойни титқилаган босқинчилар кўзлаган пулини топа олишмади. Яна она-болага азоб беришга ўтишди. Зубайда опанинг кўз ўнгига Анварни темир билан калтаклаб, тинчиб қолганидан сўнг кўрпачага ўраб, устидан хонтахтани бостиришди.

Бу орада босқинчилардан бири сандикдан пул ва кимматбаҳо тақинчоқлар турган қутичани топиб олди.

– Аёлни бир бало қилмасак бўлмайди, – деди Зокир халлослаганча. – Юзимни кўриб қолди. Айтиб беради ҳаммага...

Шундоқ ҳам холдан тойиб ётган аёлнинг томирини кесишди. Сўнг уни ҳам кўрпачадан билан ўраб, устидан сандикни бостиришди...

Пул ва тақинчоқдан ташқари турли-туман кийимлар, атир ва телефонларни апил-тапил сумкаларига солишди. Қонга бўялган темир бўлақларини хожатхонага ташлашди ва кўчага отилишди...

Нон цехига келиб, нарсаларни бўлиб олишди. Эгнидаги кийимларини, таёқни цехнинг орқа томонида ёқиб юборишди.

«Ия, ҳали бу аёл тирик экан-ку, унинг томирини кес, шунда ўлади...». Зубайда опага бу сўзлар узоқдан эшитилгандай бўлди. Босқинчилардан бири унинг ўнг қўли томирини кесиб юборганини сезд. Бошига эса яна темир билан ура бошлашди. Оғриққа чидашнинг имкони йўқ эди. Бироқ аёл бошини ерга ташлаб, ўзини ўлганга солмаса, бу ваҳшийлар қўлидан қутулиши амримаҳол эканлигини, унда ўғлига ҳам ёрдам бера олмаслигини ўйлаб, ерга йиқилди.

Уни калтаклаётган босқинчи қўлини қайириб кўрди. Аёл барча азобларга дош бериб, овозини чиқармасдан, кўзларини юмиб ётди. Тиббиётдан яхши хабари бўлгани учун кесилган қўлини қаттиқ букиб олди. Босқинчилар ҳамма жойни титқилашди... Устига кўрпача ташлашга ётганда ҳам кўрпачанинг пастки қисmini қўллари билан очиб олиб, нафас олишга имкон топди. Аммо кўз олди қоронгулашиб, хушидан кетди.

Кўзини очганида, устига кўрпача-кўрпачалар ва яна нималардир уйиб ташланганини сезд. Бир кўзи кўрмай қолганди. Шунда ўғли Анвар ётган томонга қараб у диванда йўқлигини кўрди. Деворга қон сачраганди.

Аёл бир амаллаб дарвозахонага, кейин судралиб кўчага чиқди. Ҳоли қолмагани учун ерга ётиб қолди. Яна бироз куч йиғиб, судралиб бориб, инграганча қўшнилари ёрдамга чақирди. Қўшнилари ерда қонига қорилиб ётган Зубайда опани кўриб, дахшатдан донг қотишди...

Аёл шифохонада кўзини очди. Шифокорлар бир амаллаб унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Боши, юзи, лабини тикишди. Бурни ва жағи ҳам синган эди, малхам қўйиб, боғлашди. Тез орада Зубайда опанинг ошиси Зарнигор опа турмуш ўртоғи ва ўғли Сардор билан етиб келишди. Опаси ва жияни боши устида парвона бўлишди. Бироқ ички ишлар ходимлари етиб келиб, жиноятчилар ушлангани ҳақида хабар беришганида ўзини меҳрибон тутаётган Сардор талмовсираб қолди. Қайта-қайта Анварнинг тирик ё ўлганини сўрай бошлади...

Зубайда опанинг ўртанча ўғли Эркин Анварнинг вафот этганини хабар қилди.

Суд ҳукм қилди. Унга кўра Зокир Оролов 19 йил, Бобобек Элмуродов 18 йилу 6 ой, Сардор Бахтиёров эса 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Шунингдек, судланувчилардан жабрланувчиларга қошнмай қолган 122 млн. 674 минг 294 сўм моддий зарар, Анвар Тоштемировни дафн этиш харажати ҳамда 60 млн. сўм маънавий зарар ҳам ундирилди.

Ундирилган зарар йиғит ёшида увол кетган Анварни қайтара олмайди. Зубайда опа чеккан оғриқ, изтироблари қолай олмайди. Жиноятчиларнинг панжара ортида ўтажак ёшлигини ҳам тиллолар билан ўлчаб бўлмади...

Равшан ХУРРАМОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Карантин даврида ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманлардаги мулоқотларда ёшларнинг 6728 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш, 7215 нафари эса хунара ўрганиш истагини билдирди. Учрашувларда ёшларнинг 478 нафари ишга жойлаштирилди, 235 тасига 3 млрд. сўмдан ортик имтиёзли кредит берилди, 120 нафари дори-дармон билан таъминланди, 503 тасининг бошқа муаммолари ҳал этилди. Хусусан, вилоят прокуратурасининг ёрдами билан Езёвон туманида 25 гектар ерда 25 кишининг бандлигини таъминлаш учун балиқ етиштириладиган кўл ташкил қилинди. Шунингдек, 30 гектар ерда полизчилик кооперацияси тузилиб, 60 киши иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари Фарғонага келганида мактаб битирувчиларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида топшириқ берган. Шу боис вилоят прокуратураси томонидан битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига, яъни коллеж, техникум ва университетларга жалб этиш, ўқишга кириш



Ўтган даврда иккита ҳолатда ортикча ҳисобланган 43 млн. 500 минг сўм солиқни ундириш хусусида судларга даъво аризаси киритилди. Назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилишларга нисбатан 15 та тақдимнома киритилди, 27 нафари интизомий, 21 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 486 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан «Telegram» ижтимоий тармоғида «Тадбиркорга кўмак» расмий ахборот канали ишга туширилди. Бугунга қадар 300 га яқин тадбиркорнинг мурожаати онлайн режимда қабул қилиниб, қонуний ҳал этилди.

Шунингдек, «Telegram»да «Xalqaro huquqiy masalalar bo'yicha ko'mak» канали ишга туширилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ мурожаатларини қабул қилиш мақсадида «passport nazoratibot» тизими яратилди. Ҳозирга қадар ушбу ботга 31 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 27 таси бўйича тушунтириш берилди, 3 та мурожаат муаллифининг талаби қаноатлантирилди. Хусусан, фуқаролиги йўқ Сардорбек Ар-

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚ ЕНГИЛМАС



оилага такрорий экин экиб фойдаланиш учун бир сўм қийматда ижарага берилди.

Ишсизликни бартараф этишининг асосий омили сифатида тадбиркорлик кўллаб-қувватланмоқда. 11 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолияти ноқонуний текширилгани аниқланиб, айбдорларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини

зиевнинг мурожаати ўрганилиб, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан унга фуқаролик پاسпорти олиб берилди.

Вилоят прокуратураси томонидан ИИБ пробация ҳисобида турган маҳкумларни самарали назорат қилиш учун «Маҳкумларни электрон назорат қилиш механизми» дастури ишга туширилиб, пробация ҳисобида турган 7386 та маҳкумнинг рўйхати тузилди. Дастур ишга туширилиши натижасида ахлоқ

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан «Тадбиркорга кўмак» расмий ахборот канали ишга туширилди.

истагини билдирмаган ёки қира олмаганларнинг бандлигини таъминлаш ҳисобини юритиш учун «Битирувчи» электрон дастури ишлаб чиқилди. Дастурга вилоятдаги барча мактаб битирувчилари ҳақидаги маълумотлар киритиб борилди. Кейинчалик мониторинг натижасидан келиб чиқиб, битирувчиларнинг ишсиз қолган қисми билан алоҳида шуғулланилади.

Мониторингга барча мактаблар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда ички ишлар органлари, шунингдек сектор раҳбарлари жалб қилинди. Ҳозир вилоят прокуратураси томонидан мактабларни 2019/2020-ўқув йилида битирган 47553 нафар ўқувчи ҳақидаги маълумотлар дастурга киритилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш чораси кўрилмоқда.

Эҳтиёжманд оилалар ҳам кўллаб-қувватланапти. Асосий эътибор уларга доимий даромад манбасини яратиш бериш орқали камбағал оила тоифасидан чиқаришга қаратилмоқда. Прокурорлар секторидagi 9299 та эҳтиёжманд оиладan 4589

таси халқ депутатлари кенгашларининг сессияларида кўриб чиқилиб ушбу тоифадан чиқарилди. 7344 кишининг бандлиги таъминланди.

Камбағал оилаларга «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 13 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 2 млрд. 400 млн. сўмлик озиқ-овқат тарқатилди, пластик карталарига 434 млн. 200 минг сўм ўтказиб берилди, 258 та оиланинг 19 млн. 400 минг сўмлик қарзи тўлаб берилди. Бундан ташқари 458 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди ҳамда

Камбағал оилаларга 13 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

700 дан зиёд хонадонга боқиб, кўпайтириб даромад олишни учун қорамол, қўй, товуқ ва асалари уяси тарқатилди.

Вилоят фермерлари бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Дон етказиб бериш режаси бажарилди. 2-сектор раҳбарларининг ташаббуси билан ғалладан бўшаган 397 гектар ер 1258 та камбағал

кўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони талабига зид равишда солиқ органлари томонидан 1109 та микрофирма ва кичик корхонадан ундиришга қаратилган 3 млрд. 700 млн. сўмлик инкассо топшириғи қайтариб олинмаган. Ушбу қонунбузилиш бартараф этилиб, 9 нафар масъул ходим маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айни пайтда ишини тўхтатган тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш орқали фаолиятини тиклаш чораси кўриляпти. Коронавирус пандемияси оқибатида вилоятда 15 137 та юридик шахс ва тадбиркор ишини тўхтатган. Назорат тадбирлари давомида 11 902 тасининг фаолияти тикланиб, 47 987 та иш ўрни сақлаб қолинди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг 3457 тасига ваколатли ташкилотлардан рўхсатнома олишда, 4245 тасига маҳсулотини реализация қилишда, 1457 тасига кредит олишда, 1687 тасига имтиёз қўлланиши ва 1056 тасига бошқа масалада ёрдам кўрсатилди. Ҳозир қолган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

тузатиш ишларига жалб қилиниб, ишга жойлаштирилмаган 16 нафарнинг бандлиги ҳамда 32 нафарини муддатидан аввал шартли равишда озод қилиш ҳақида судларга тақдимнома киритилиши таъминланган. Шу билан бирга, дастур асосида озодлиги қечланган ва шартли ҳукм қилинганлар суд ҳукмида белгиланган талабларга риоя қилиши тўлиқ назорат қилиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаатида «Такрор айтаман, биз энди пандемия шароитида яшашга, меҳнат қилишга ўрганишимиз шарт. Чунки ҳаёт давом этмоқда. Ҳаёт биздан ақл-идроқ, сабр-тоқат, метин интизом билан ҳаракат қилишни талаб этмоқда» дея таъкидлади. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қарантин даврида энг асосий вазифамиз ўзини асраш қоидаларига амал қилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни қонуний ҳал этиб бориш, қишлоқ хўжалиқ кластерлари, фермер хўжалиқлари, тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш, sanoat корхоналари маромида ишлашини таъминлашдан иборатдир.

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Куннинг иккинчи ярми. Бош шифокорнинг ҳисоботини олиш учун тиббиёт марказига бордим. Маълумотни олиб кетарканман, шамол эсиб, тинимсиз ёға бошлаган ёмғирдан ўзимни панага олдим. Шифохона залида туриб зимдан кузатарканман, атроф озода, санитария-гигиена талаблари асосида, карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда иш фаолияти йўлга қўйилган. Қўли қўлига тегмай ҳаракат қилаётган шифокорларнинг меҳнати туфайли коронавирус пандемияси билан оғриган жуда кўп юртдошларимиз шифо топмоқда. Баракат топишсин, жонкуяр шифокорларимизнинг тунни тонгга улаб меҳнат қилишмоқда. Аммо...

Иккинчи қаватдан келаётган овозлар ҳаёлимни бўлди. Кимдир йиғлар, яна биров эса тинимсиз бакирарди. Бехосдан нимадир тушиб кетиб, синди шекилли овоз янада баландроқ жаранглади.

Қизиқшим устун келиб юқори қаватга чиқдим. Эшигига навбатчи шифокор деб ёзиб қўйилган хона бурчагида ёшгина киз тинмай йиғларди. Ёши каттароқ шифокор эса уни бошида туриб алланималар деб бакирарди. Тўғриси, шу ерда бўлсамда, хонадаги тартибсизликлар туфайли аёлнинг сўзларини умуман эшитмадим. Атрофни ўраб олган 5-6 шифокор кўлини бигиз қилиб олган аёлни тинчлантириш, уни бошқа хонага олиб кетиш ўрнига, йиғлашдан бошқа ҳеч нарса қилолмаётган кизга дўқ уришарди. Гўёки, улар уйига бостириб кириб келган босқинчинини кўлга олгандек ҳаракатланишарди. Тўғриси, хозиргидек, айниқса, давлат ишхонасида бўлаётган вазиятга биринчи марта дуч келишим. Қанча вақт ўтди билмайман, ҳамон “пик-пик” йиғлаётган, кўзлари йиғидан қизарган ҳамшира билан ёлғиз ўзим қолиб кетибман. Гарчи уни танимасамда вазиятни юмшатишга ҳаракат қилдим.

— Опа хафа бўлмаг. Раҳбарингизни бироз жаҳди чиқибдида. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Жонимдан тўйдириб юборди ўзи. Вазифам юзасидан иккита беморга тўғри маслаҳат берганим, дардига дармон топганим учун бунчалик бўлишимни билмаганим. Қачон қарама, “беморни айтганини қилма, унга бироз бўш келсанг бошингга чиқиб олади. Уларни ҳаддини ошишига сабаб бўладиган ҳаракатларни қилма” деб қойгани-қойгани. Нима қилишим керак хайронман. Кўп эмас,

оз эмас, етти йил беморларнинг дардига малҳам топиш учун таҳсил олганман ахир. Қўлимдан келадиган ишни, беморларга берадиган амалий ёрдамимни нега улардан аяшим керак.

Хамсуҳбатимнинг гапи оғзида қолди. Бояти шифокор менга ҳам аҳамият бермасдан “Бугун ҳам сен навбатчисан. Тонгача турасан. Текинга ишлашга ўрганиб қолгансанку. Менга эса ойлик керак. Қачон бир ақлат рағбат ёзиб беришса, ўшанда навбатчиликка тураман. Унгача эса сен навбатчилик киласан”, дея қўлидаги рўмолчани суҳбатдошимнинг юзига отганча, дадил қадамлар билан биздан узоклашди.

— Ана кўрдингизми?! Бу аёлни танлайини пул билан кўтаришган. Хозирги синовли кунларда ҳамма шифокорларга ишониб, суяниб турган бир вақтда олий тонфали шифокорнинг муносабати бу. Коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича тиббиёт бирлашмамизда навбатчилик ташкил қилинган. Жадвал асосида бир ойда икки мартагина навбатчиликка туришимиз талаб этилади. Бечора оддий ҳамширалар вазифасига сидқидилдан ёндашиб, айтилган вақтга туришади. Аммо, кўриб гувоҳи бўлганимиздек, олий маълумотли шифокорларимиз икки кунлик навбатчилиги учун давлатдан рағбат талаб қилади. Рағбат беришмаса, навбатчиликка ҳам келишмайди. Керак бўлса иш вақти яқунланмасдан сериал кўришга кетадиганлари ҳам бор. Баъзида сафимизда ўқувсиз, фақатгина ойлик маоши олиш ва вақт ўтиши учун хизмат қилаётган ҳамкасбларимни кўрсам, шу соҳани танлаганимга пушаймон бўлиб кетаман. Ҳозир, эл бошига иш тушган бир вақтда виждонан ишламасақ, қачон ишлаймиз. Пул, бойлик, таниш-билиш

фойда бермайдиган жойлар кўпку. Шифокор бемор билан ёлғиз қолганда ўрғанган билимидан бошқа ҳеч нарса, ҳеч ким унга ёрдам беролмайди.

Мамлакатимизда шифокорлар ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати билан жасорат кўрсатаётган бир вақтда бизнинг шифокорларимиз ижтимоий кўмакка муҳтож оила вакиллари учун ишлатилиши керак бўлган дори-дармонларни дорихоналарда сотиш, рағбат берилмаса навбатчиликка турмасдан, уйига бориб сериал кўриш билан банд. Дардига шифо истаб келган беморни даволашни кўйинг, оддий маслаҳатини, вазифаси юзасидан берган тасвирини ҳам пулга қақайди. Ишонмасангиз боринг, хозир бориб қабулгига киришг. Гапларимга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Алланималарни ёзиб ўтирган аёл мени танимади. Юзимдан тиббий ниқобни олиб, бироз бошим оғриётганидан шикоят қилдим. Во, ажаб. Шифокор пинагини ҳам бузмади. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ бир энлик қоғозга қаторасига до-рилари ёзиб, қўлимга тутказди.

Тўғриси, кўрганимга ва эшитганимга ўзимнингда ишонгим келмасди. Қани шифокорнинг касбига бўлган масъулияти, вазифасига бўлган меҳри. Улар зиммаларидаги масъулият, вазифа ва меҳрни беморнинг қўлига қарашга алмаштиришган бўлса. Наҳотки, эғнидаги оқ халат билан беморларни даволаш, уларга яқиндан кўмак бериш мақсадида ичган қасамини унутган бўлса. Айни вақтда ўз жонини хатарга қўйиб, беморнинг соғлиғи учун жон куйдириб, ҳақиқий қахрамонлик кўрсатаётган шифокорлар орасида “курмак” ҳам бор эканда. Халқимиз синовли кунларни бошдан кечираётган

бир вақтда инсон тақдири билан боғлиқ ўта масъулиятли ва шарафли касб эгаси бўлган шифокорларни рағбат пули талаб қилиши, сериал кўриш ёки кишилар ҳақида ноҳуш ахборотларни тарқатиш учун вақтини сарфлаётган қайси мезон талабларига тўғри келади.

Узоққа бормаёлик, яқинда ижтимоий тармоқда вазифасига кирмаслигини талаб туриб икки нафар шифокор Сурхондарё вилоят ҳокимининг саломатлиги ҳақида ёлғон ахборот тарқатгани учун жазоланганидан хабарингиз бўлса керак. Тўғри, сўз эркинлиги конституциявий кафолатланган. Аммо бу бошқаларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш дегани эмас.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 26 март куни мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича халқимизга йўллаган муурожаатига ҳам шифокорларнинг бугунги кундаги масъулияти юзасидан тўхталиб, жумладан, шундай деганди: “Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос “жанг майдони”да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарқ этади. Лекин охиригича касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарқ этолмайди”.

Мана шундай ишончга айрим шифокорларимиз сериал томоша қилиш, ёлғон ахборот тарқатиш ва рағбат пули берилмаса навбатчиликка турмаслик билан жавоб бериши инсофданми?! Наҳотки улар халқимиз ишончини шундай оклашса...

Нигина ШОЕВА,
журналист

Ҳукуматнинг 30 июндаги 458-сонли қарорига асосан Тез ёрдам ходимлари қўшимча рағбатлантириладиган бўлди.



FAOLIYATIDAN

У ҳукуматнинг 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўланиш шартлари янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низомга риоя қилмади.

Ўтган йилнинг февраль-октябрь ойларида 10 млрд. 303 млн. 183 минг сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб, тушумини банкка топширмади. 17 апрелдан 13 октябрга қадар 10 млрд. 532 млн. 960 минг сўмлик товар учун пул кўчирилмаган бўлса-да, шу миқдордаги товарни кирим ҳужжатларисиз сотиб, жиноятга қўл урди.

РИЗҚ ҲАЛОЛЛИКДА

Илгари икки марта судланган бўлса-да, Аббос Иброҳимов тавбасига таянмаган экан. У 2019 йил 10 февраль куни Бухоро шаҳар ДСИдан рўйхатдан ўтган «Ibrahimoff foods» масъулияти чекланган жамиятини юритиб келган.

Тафтишли текширишда аниқланишича, 2019 йил 10 февралдан 1 октябрга қадар 10 млрд. 708 млн. 992 минг сўмлик товар учун ҳисобрақамидан пул кўчирилган. Шундан 8 млрд. 89 млн. 783 минг сўмлик товарлар учун қорхона ҳисобрақамига пул келиб тушмаган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар «Грастбанк» бош офисига тегишли корпоратив карта орқали 1 млрд. 785 млн. 810 минг сўмлик ва «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиалига тегишли корпоратив карта орқали 427 млн. 590 минг сўмлик, жами 2 млрд. 213 млн. 400 минг сўмлик маблағ товар сотиб олиш учун кўчирилган. Пул кўчирилган товарлар савдосидан тушган тушум жамият ҳисобрақамига тушмагани

ни изоҳталаб ҳолат эмасми?!

Савдо қондасига амал қилиб, тушум банкка топширилиб, солиқлар ўз вақтида тўланганда ҳам давлат, ҳам масъулияти чекланган жамият манфаатдор бўлмасмиди? Бунда қанча киши ўз вақтида пенсиясини, талабалар стипендиясини олиши мумкин. Фақат буни билиб билмасликка олиш умум манфаатини унутиш деб баҳоланади.

Суд Аббос Иброҳимовга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Миркамол ДАВРОНОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим инспектори

ЯШИРИН МОЙЖУВОЗ

Қоровулбозор тумани «Жарқоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фермер Зариф Савриев мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганидан фойдаланиб ҳўжалигида ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Албатта, фермер ҳўжалиги кўп тармоқли бўлгани яхши. Аммо фаолият қонунга асосланмаган бўлса, ундан келадиган даромаднинг баракаси бўлмайди. Зариф Савриев ун заводида қонунга ҳилоф тарзда мойжувоз ўрнатганида бирдан фойда олишни кўзлагани аниқ эди. Бирок давлат стандартига тўлиқ жавоб бермайдиган маҳсулот ҳамқишлоқлари саломатлигига зиён етказиши мумкинлиги, бунинг учун қонун олдида жавоб бериши ҳақида ўйлаб кўрмади.

Департамент ходимлари ўтказган тадбирда фермернинг ноқонуний иши фош этилди. Унинг уйдан 3 млн. 265 минг сўмлик мойжувоз, 4,9 литр мой, 667 кг кунжага ва 110 кг чигит ҳужжатлаштирилиб олиб қўйилди.

Суд ҳукми билан Зариф Савриев деб топилди. Унга ҳар ойлик маошининг 10 фоизини давлат ҳисобига ўтказган ҳолда 1 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ҳикматилло РЎЗИЕВ,
департаментнинг Қоровулбозор тумани бўлими бошлиғи

ОҒУФУРУШЛИКНИНГ БЕШ ҲАЛҚАСИ

Кузнинг сўнгги кунлари эди. Ноила Шаҳрисабздаги «Янги бозор»да айланиб юрганида таниши Исмат йўлини тўсди (исм-фамилиялар ўзгартирилган).

– Уйингизга тезроқ боринг, – деди у. – Ишим бор...

– Нима гап? – сўради аёл унинг қандай иши борлигини тушунган бўлса-да, сир бой бермай.

– Боягидан керак, – деди Исмат атрофга олазрак боққанча.

– Ҳозир йўқ, – деди Ноила. – Аммо суриштириб кўраман...

– Бўлмаса, кейинроқ учрашаман, – Исмат шундай деб ортига бурилди...

Тушдан кейин уйига келган Ноила дарҳол Исматга қўнғироқ қилиб, уйда эканлигини айтди. Исмат уникига етиб борди. Машинадан қора пакетга ўралган пулни олиб, аёлниң олдида ташлади.

– Бу ерда ўн саккиз миллион сўм бор, – деди Исмат. – Тўрт юз грамм керак...

– Топамиз, – деди пулга қараб кўзи уйнаган аёл...

Исмат чиқиб кетди. Ноила шериги Анварга қўнғироқ қилди. Чайналмасдан дардини айтди:

– Мижоз бор. Пули нақд...

– Суриштириб айтаман, – деди шериги.

Бир соатлардан сўнг Анвар Ноилага телефон қилиб, келаверишини айтди. Ноила дарҳол унинг уйига етиб борди.

– Нархи қандай экан? – ҳовлиқиб сўради Анвардан.

Йигит таниши Бозорбойга қўнғироқ қилди. «Юз grammi тўрт ярим миллион бўлади» деган жавоб эшитилди телефондан...

Ноила Анварга пулни ишонмасдан, унга ҳамроҳ бўлиб Бозорбойнинг олдига жўнади.

– Қўрқма, Бозорбой билан қиладиган савдонга аралашмайман, топиб берсанг бўлди, – деди Анварга.

Шериклар Китоб шахрига кириб борганларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

– Касалхонанинг олдидамит, тез келинг, – деди Бозорбойга қўнғироқ қилган Анвар.

Бозорбой машинасида чиқиб келди. Бироз юришгач, тўхтади. Музокара қисқа давом этди. Хуллас, Ноила



ва Исмат яхшигина фойда кўрадиган бўлиши. Улар чойхонада овқатланиб бўлганича Бозорбой қаергадир бориб келди.

– Бўлдимиз? – сўради Анвар ундан.

– Бўлди, багажда, – деди Бозорбой.

«Мол»ни электрон тарозидан тортиб олишди. Пулни беришди. Сўнг Бозорбойдан Шаҳрисабзгача элтиб қўйишни илтимос қилишди. У рози бўлди.

Китоб тумани ички ишлар бўлими ёнидан ўтаётганларида аллақандай одамлар уларни тўхтатишди. Улар кўрсатган гувоҳномага қараган Ноиланиң ҳуши бошидан учғудай қилиб, кўз олди қоронғилашиб кетди...

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судида мазкур жиноят иши тафсилотларига ойдинлик киритилди.

Қайд этилишича, Ноила Ботирова 1980 йилда туғилган. Шаҳрисабз шаҳрида яшайди. Оиласидан ажрашган, икки фарзанди бор. Ҳеч қаерда ишламайди. Илгари қилган жиноятлари учун бир неча марта жазоланган. Бир гал каттагина жарима тўлаган бўлса, кейинги сафар иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ўтказган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланиб, синов муддати белгиланган ва ниҳоят амнистия жонига ора кириб, жазодан қутулиб қолган. Кейин тагин жиноятга қўл уриб, озоликни чеклаш жазосини олган. Ундан ҳам мурд

датидан илгари озод этилган. Лекин бундан хулоса чиқармаган кўринади.

Унинг шериги Анвар Отабоев эса 1982 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, тўрт фарзанди бор. Шаҳрисабз шаҳрида яшайди. У ҳам жиноят йўлини танлагани учун илгари жазого тортилган. Дастлаб суд ҳукми билан етти йилга озоликдан маҳрум қилинган. Сўнг бу жазо амнистия шарофати билан анча қисқартирилган. Кейин эса ахлоқ тузатишга алмаштирилган. Ҳали мазкур жазо муддати тугамай туриб, мўмай пул топиш иштиёқи уни яна панжара томон етаклади.

Учинчи шерик – Бозорбой Камолов 1982 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, оилали, учта фарзанди бор, ишсиз. Аввал судланмаган. Китоб туманида яшайди.

Жиноий шериклар ҳалқаси бу билан тугамади.

Навбатдаги шерик – Аҳмад Хушвақтов 1979 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, оилали, иккита фарзанди бор, ишсиз. Илгари судланмаган. Китоб туманида яшайди.

Муҳриддин Аҳмадов 1986 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, оилали, иккита фарзанди бор, ишсиз. Аввал судланмаган. Китоб туманида яшайди.

...Ноила билан Исмат чойхонада овқатланиб ўтирган пайтда Бозорбой таниши Аҳмад Хушвақтовга учрашиб, ундан

400 грамм марихуана топиб беришини сўради. Исмат берган ўн олти миллион сўмдан ўн тўрт миллионини унга берди. Сўнг унинг «Нексия»сида Паландара қишлоғига йўл олишди. Аҳмад Бозорбойни тўйхона олдида тушириб қолдириб, молни ўзи олиб келадиган бўлди.

Аҳмад паландаралик таниши Муҳриддиннинг хонадонига бориб, ундан 414,4 грамм марихуанани электрон тарозидан тортиб олди. Йўлда дорининг бир қисмини келгусида сотиш учун ажратиб олиб, бошқа пакетга жойлади ва машинасининг дори қутисига ташлаб қўйди. Сўнг тўйхона олдида кутиб турган Бозорбойнинг ёнига ошдики...

Ички ишлар ходимлари Бозорбойни тўхтатишганида унинг машинасида 2 млн. сўм пул, юкхонасида эса электрон тарози ва салофан пакетдаги 392,8 грамм марихуанани расмийлаштириб олишди. Шунингдек, Аҳмаднинг «Нексия»сидаги 21,6 грамм, Муҳриддиннинг молхонасидаги 1985,5 грамм оғу ҳам ҳужжатлаштириб олинди...


Суд ҳукми қилди. Ноила Ботирова ва Анвар Отабоевга илгари шартли равишда озолик қилинган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўйиш йўли билан 6 йилу 6 ойга озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бозорбой Камолов 6, Аҳмад Хушвақтов ва Муҳриддин Аҳмадов 6 йилу 6 ойга озоликдан маҳрум этилди.

Судланувчиларнинг барчаси гиёҳвандлик ҳасталигига чалинмагани ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги қайд қилинди. Жиноят давомида фойдаланилган 16 млн. сўм пул давлат ҳисобига ўтказилди.

Оғуфурушларнинг бешови ҳам фарзандлари борлигини рўқач қилиб, суддан қонуний енгиллик сўрашди. Қизиқ, жиноятга қўл ураётганда нахотки болалари уларнинг кўзларига кўринмаган бўлса? Ахир улар сотишни кўзлаган оғу неча-неча оилаларни вайрон қилиб, беғуноҳ болаларни қон қақшатиши мумкин эди-ку...

Улугбек ЖўРАЕВ,
Китоб тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



Мажбурий ижро бюросининг Яшнобод тумани бўлимида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 19 майдаги ижро варақасига асосан қарздор корхонадан тадбиркорга 61 млн. 792 минг 840 сўм ундириш ҳақидаги ижро иши мавжуд бўлиб, 10 июлда бўлимга келиб тушган ва ишга киришилган.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли ҳисоб-ва рақлар, асосий воситалар рўйхати, қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилган. Шунингдек, қарзни ўз ихтиёри билан тўлаш учун берилган муддатдан сўнг унга тегишли мулкларга банд солинган. 22 июлдаги тўлов топшириғига асосан корхонадан тадбиркорга 61 млн. 792 минг 840 сўм тўлик ундирилиб, ижро иши тамомланган.

Худди шундай бюронинг Сергели тумани бўлими Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 25 ноябрдаги ижро варақасига асосан Сергели тумани халқ таълими бўлимидан хусусий корхонага 94 млн. 750 минг сўм қарзини ундириш бўйича иш олиб борган. ХТБ номида мулк аниқланмаган.

Қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солингандан

сўнг 94 млн. 750 минг сўм пул хусусий корхонага тўлик ундирилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шерзод МУХАМЕДОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги
МИБ бошқарма катта инспектори

АЛИМЕНТ УЧУН «ЛАСЕТТИ»

Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг 2011 йил 20 сентябрдаги ижро варақасига асосан С.Тошмирзаевдан Н.Тошмирзаевага вояга етмаган икки фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдоридида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюросининг Балиқчи тумани бўлимига юборилган. У эса 2020 йил 28 январь кунни бюронинг Миробод тумани бўлимига жўнатган.

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Миробод тумани бўлимига 8 февраль кунни келиб тушган ва шу кунни ишга киришилган. Мазкур ижро ҳужжати бўйича С.Тошмирзаев алиментни 2015 йил январдан 2020 йилнинг июль ойигача тўламагани сабабли 5 йил давомида қарзи 31 млн. 911 минг 855 сўмга етган. Қарздорнинг номидаги мулкларни аниқлаш мақсадида «МИБ портал» электрон дастури орқали сўровлар юборилган бўлиб, олинган жавоб хатларига кўра қарздорнинг номида «Ласетти» русумли автомашинаси рўйхатдан ўтгани аниқланган. Ушбу транспорт 2020 йил 17 июль кунни хатланиб, вақтинча сақлаш учун жарима майдонига қўйилган. Мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида 22 июль кунни С.Тошмирзаевдан 10 млн. сўм ундирилиб, Н.Тошмирзаеванинг банкдаги ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Жорий йилнинг 30 июль кунни қарздор қолган 21 млн. сўмини ҳам тўлади ва машинаси ўзига қайтарилди.

Сарвиноз АБДИРАИМОВА,
МИБ Миробод тумани бўлими давлат ижрочиси

ТўЛАСДАН ИЛОЖИ ЙЎҚ

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг буйруғига асосан А.Исломов Д.Арабовога вояга етмаган икки фарзанди учун алимент тўлаб бориши керак.

Лекин А.Исломов оталик мажбуриятини бажармай алимент тўлашдан бош тортиб келаятгани аниқланиб, Нуробод тумани маъмурий судининг қарорига асосан 15 суткага қамалди. Лекин бундан хулоса чиқармади. Натижада унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.


МИБ Нуробод тумани бўлими ижрочиларининг тушунтиришлари натижасида А.Исломов нихоят қилмишини тўлик тушуниб етди ва 4 млн. 205 минг 500 сўм алимент пулини тўлик тўлади.

Зулфиддин ЭСАНОВ,
МИБ Нуробод тумани бўлими бошлиғи ўринбосари и.в.

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ҲИЙЛАГАР ҚАССОБ

Насияга мол берган киши алданиб қолиши мумкин. Бировларни алдаб судланган, отининг қашқасига айланган тошлоқлик Бойқўзи Хонқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) энди бошқа туманларга «гастрол»га чиқади.



Сўйиб гўштини сотгач пулини беришга кўндириб, шериклари билан бировларнинг мол-қўйларини насияга олиб кетади ва алдаб юраверади. 2016 йили фарибгарга суд энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баробари миқдоридида жарима солади. Жаримани тўламаган Б.Хонқулов тўрт ярим ой қамоқда ўтириб чиқади. Барибир ҳийлагарликни давом эттираверади. 2018 йил ноябрь ойида таниши А.Шониезовга қармоқ ташлайди. Бир ҳафтада сотиб пулини келтириб беришига ишонтириб, иккита сигирини бузоқлари билан қўлга киритади. Сўйиб сотиб юбориб, пулнинг бир қисмини беради-ю, қолганини бермай юраверади.

Таниши, фермер ҳўжалигининг раҳбари «Тико»сини сотмоқчилигидан хабар топиб,

унинг қўйнига қўл солади. Машинани 4500 АҚШ долларига баҳолашади. Бойқўзи Д.Қосимовни ойма-ой 400 доллардан тўлаб туришга кўндириб автомобилни олиб кетади. Галдаги тўловни бергач, гапни узокдан бошлайди.

– Сизда сотиладиган мол-қўй борлигини эшитдим. Менга берсангиз, сотиб пулига Қирғизистондан қорамол олиб келаман, – дейди.

«Тико»нинг пулини тўла-япти-ю деган хаёлда Д.Қосимов унинг шартига кўнади. Фермага бошлаб бориб қўйларини кўрсатади. Ҳар бир қўчқорни 1 млн. 150 минг сўмдан баҳолашади. Б.Хонқулов шунингдек битта сигирини ҳам сотиб олмоқчи бўлади. «Пулини бир ойда келтириб бераман», дея Д.Қосимовнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдирди. Бир ойдан

кейин пулини сўраб борганида ҳар хил баҳона билан қуруқ қайтаради. «Тико» учун тўловни ҳам тўхтатиб қўяди. Д.Қосимов машинани қайтариб олгач, Б.Хонқулов «Тико»га тўлаган 1800 долларини қўйлар ва сигир учун қарздан айириб ташлаб, чорванинг қолган 11 млн. 900 минг сўм пулини тўлашни талаб қилади. Ҳаққини ололмайд сарсон бўлади.

Бу орада Б.Хонқулов мол бозорида танишган қувалик Зиёвуддин Валиевга сотиладиган мол бўлса хабарлашайлик дейди. 2018 йилнинг декабрь ойида Зиёвуддин кўнғироқ қилиб, танишининг манзилни тушунтиради. Б.Хонқулов кечаси ўн бирларда уйда мол-қўй боқиб сотиш билан машғул О.Ўриновнинг уйига бориб, тўртта ғунажинини 19 млн. 800 минг сўмга

насияга сотишга кўндирди.

– Иккитасини қассобхонада сўйиб сотаман, иккитасини эса ҳарбий қисмга ўтказиб пулини уч-тўрт кунда келтириб бераман, – дейди фарибгар. О.Ўринов «Зиёвуддиннинг таниши-ку, сўзининг устидан чиқади» деган ўйда ғунажинларни унга бериб юборади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Б.Хонқулов 9 млн. 800 минг сўм беради. «Қолганини кейинроқ бераман» дейди-да 10 млн. сўмни бермай лақиллатиб юраверади. О.Ўринов Тошлоқ туманига унинг уйини суриштириб боради. Уйдан топа олмай туман марказидаги қассобхонада гўшт сотадиган укаси Холхўжага учрайди. Бойқўзини қидириб топа олмаганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ариза билан мурожаат қилади.

Ғойиб бўлган фарибгар орадан бир неча ой ўтгач ҳибсга олинади.

– Аризам бўйича суриштирувда Бойқўзи яна бир неча одамнинг пулини бермасдан алдаб юрганини билдим, – дейди жабрланувчи О.Ўринов судда. – Менга етказилган зарарни унинг укаси тўлиқ тўлади.

Судда бошқа жабрланувчилар ҳам ўзларига етказилган зарар қопланганини қайд этишди. Б.Хонқуловга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Харидорни сўраб-суриштириб, ҳалоллигига амин бўлишдан ташқари ишни нотариал идора орқали расмийлаштирган киши алданиб қолмайди.

Бобиржон ОБИДОВ,
Тошлоқ туман прокурорининг
ёрдамчиси



MUNOSABAT

МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШДАН МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Мамлакатимизда ислохотлар бевосита маънавият жабҳасига ҳам тааллуқли. Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида аксарият кишиларимиз ҳатто номини ҳам эшитмаган Имом Бухорий, Термизий, Мотирудий, Насафий, Марғиноний, Замахшарийлар ҳақида бугун етарли маълумотга эгамиз. Илм аҳли олдидаги галдаги вазифалардан бири улар қолдирган маданий, илмий меросни ўрганиш асосида аждоқларимизнинг бой ва ибратли маънавий хазинасини тарғиб қилишдан иборат.

Бу борада кўплаб хайрли ишлар бошлаб юборилган бўлса-да, вазифаларнинг кўлами шу қадар кенги, бунинг уйдасидан чиқиш учун кенг жамоатчиликни ҳам бу соҳага жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнги ўттиз йил давомида олимларимизнинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, ёшларни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича республика ҳукумати ва муҳим қарорлар чиқди. Айниқса, дунё миқёсида ҳам гоёта ноб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган кўлэмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида минглаб нодир манба сақланмоқда.

Уларни ўрганиш, оммани ушбу беназир дурдоналардан баҳраманд этиш илм аҳлининг бурчидир. Кези келганда айтиш керакки, ўтган асрда бизга мерос қолган асарлар аксар ҳолларда европалик олимлар томонидан тадқиқ этилди. Хусусан, уларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида бир талай арабча ва форсча асарлар ўзбек ва рус тилларига ўғирилди.

Бироқ, аждоқларимизнинг асарлари маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки манбани таҳлил қилаётган, шу масканда улғайган олимнинг масалани англаб етиши, тўғри тадқиқ этиши учун имконияти кенгрок бўлади.

Маълумки, қадимда юртимизда қўлланган, лекин бугун ишлатилмайдиган атама ва сўзлар, ўлчов бирликларининг нотўғри таржима ёки талқин қилиниши ўрганилаётган масалаларнинг моҳиятини очиб беришда муаммоларни келтириб чиқаради. Мисол учун, «Бобурнома»да айрим масхаллар орасидаги масофалар «шаръий» ўлчов бирлиги асосида берилган. Бобур Самарқанд шаҳри билан Дарғом ариғи (суйи) оралиғини, Архивен кўرғонини билан Намангон орасидаги масофа, Акси билан Гунбази чаман орасини бир шаръий, Акси ва Санг оралиғини ҳамда Чир суйи (дарёси) билан Тошкент оралиғини эса икки шаръий деб ёзган. «Бобурнома»нинг рус тилидаги барча нусхаларида бу 2 км.га тенг масофа сифатида шарҳланган. Лекин кўрсатиб ўтилган масхаллар орасидаги масофалар таржималардаги ўлчов бирлигига мос тушмайди. Масалан,

биргина Акси билан Санг қишлоғи оралиғи 4 км. эмас, балки ундан анча зиёд. Бошқа ҳолатларда ҳам шундай. Бу эса худудлар ўртасидаги ўлчовларни, уларнинг жойлашган ўрнини аниқлашда чалқашликларни пайдо қилади.

Шу босиб бой маданий меросимизни халққа тўлақонли етказишда маҳаллий қадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Республикаимиздаги илмий муассаса, кутубхона, архив, музей ва аҳоли қўлида яна бир талай кўлэмга асарлар ҳам борки, уларнинг илмий муомаласига киритилиши шубҳасиз фан тараққиёти учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди.

Бу борадаги ишлар кўламини тубдан яхшилаш учун 2017 йил 24 майда Ўзбекистон Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Қарорда тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қулай шароит яратиш, тарихий-маданий меросимизни чуқур ўрганиш, алломаларимизнинг жаҳон фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш лозимлиги кўрсатилган. Шу асосда ёш авлодни халқимизнинг улкан маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг самарадорлигини тубдан ошириш кераклиги алоҳида таъкидланган.

Ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда шарқ тиллари соҳасида ўрта бўгин профессионал кадрларини тайёрлаш, истеъдодли ёшлар авлодини етиштириш мақсадида Наманган ва Хива шаҳарларида техникумлар ташкил этилиши белгиланган.

Ҳозиргача ушбу соҳада фақатгина олий маълумотли кадрлар тайёрлашга ургу берилган бўлса, эндиликда ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашга ҳам эҳтиёж пайдо бўлди.

Бугунги кунда вилоятларда шарқ тиллари бўйича малакали педагоглар талаб

даражасида мавжудлиги, айниқса уларнинг адабий ва тарихий, ислом дини манбашунослиги, каллиграфиядан хабардор бўлишлари фаолият самарадорлигини таъминловчи омил саналади. Бу айни пайтда ташкил этилган ўрта махсус билим юртида шарқ тилларидаги адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятини ҳам беради.

Қарорга мувофиқ тегишли муассасалар қошида Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти йўлга қўйилади. Улардан бирини Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи қошида ёки Наманган давлат университетида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бунинг учун университетда салоҳиятли мутахассислар мавжуд. Чунончи, университет қошида академик Аҳмадали Асқаровнинг ташаббуси ва раҳбарлигида бир неча йил Ахсикент ёдгорлиги қазилма ишларида қатнашган, Ахсикент тарихига оид араб ва форс тилидаги юзга яқин манбанинг каталогини яратган заҳматқаш мутахассис Алижон Воҳидов фаолият юритаётди. Ҳозир у киши «Фарғона водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти ёзма манбаларида» мавзусида тадқиқот олиб бормоқда.

Филология фанлари номзоди Муҳаммадjon Юсупов араб тилини ўрганиш бўйича дарсликлар муаллифи, Юнусхон Раҳиматуллаев ва Абдулвоҳид Нуриддинов эса араб-форс манбашунослиги билимдони ҳисобланади.

Янги ташкил этиладиган техникумда юқоридаги каби етуқ олимларнинг тажрибасидан фойдаланиш ёшлар учун катта имкониятдир.

Қадимги Ахсикент диёридан ҳам жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ алломалар етишиб чиққан бўлиб, улардан нодир асарлар қолган. Чунончи, Аҳмад Ахсикатийнинг «Китоб фит тарих»,

Хусумуддин Муҳаммад Ахсикатийнинг «Ал-мухтасар фи усул-лайфҳ», Муҳаммад Ахсикатийнинг «Ат-тарих», Асируддин Ахсикатийнинг назмий девони, Тожуддин Абу Бакр бин Аҳмад Ахсикатийнинг «Фатвоийи Хўжандий», Сайфиддин Ахсикатийнинг «Маҳмаъ ут-тавориҳ» асарларини санаб ўтиш мумкин. Аммо юқоридаги асарлар сақланаётган кутубхоналардан уларнинг нусхаларини олиб келиш, таржима ва тадқиқ қилиш қилиниши лозим бўлган ишларнинг бир қисми холос. Ваҳоланки, ҳукуматнинг Ахсикентга оид қарорида Ахсикент шаҳрига доир манбаларни (қадимий кўлэмга ва тошбосма китобларни) малакали мутахассис ва экспертлар, олимларни чорлаган ҳолда атрофда тадқиқ этиш, улар ҳақида батафсил маълумотлар базасини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш каби кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб берилган эди. Таасуфки, ҳозир ва масалалар билан шуғулланиш оқсамокда. Мисол учун, Асируддин Ахсикатийнинг ҳазрат Навоийдан қарийб 400 йил аввал малюк иш-шуаро мартабасига эришганини такрорлайверамиз, лекин унинг шеърлар девони юртимизда ҳали тўлиқ нашр этилмаганидан негадир таажубланмаймиз ҳам.

Тақлимимиз шуки, шарқшунослик техникуми негизида кўлэмалар тадқиқи билан шуғулланувчи илмий марказ очилса, у ерга шу ишларни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган жонкуярларни жалб қилиб, уларнинг имкониятидан тўлақонли фойдаланиб, устоз-шоғирд тизимини самарали йўлга қўйиш лозим. Токи Наманганда шарқ кўлэмалари билан шуғулланувчи фидойи олимлар мактаби шаклланин.

Шунингдек, техникумда ўқитиладиган ёрдамчи фанлар учун ҳам шу соҳага алоқадор мутахассислардан фойдаланиш даркор. Бу борада яна Наманган давлат университетининг етакчи олимлари кўмағига таяниш керак. Хусусан, академик Асқарали Акбаров шарқ ёзувлари каллиграфияси ва миниатюрасининг моҳир устаси, МДҲда танилган олим. Шарқ амалий безак санъати тарихининг билимдони Бахтиёр Рўзинов ҳам ўрта Осиё архитектураси, маданий ёдгорликлар бўйича ўнлаб мақола ва китоблар муаллифи. Қолаверса, Самарқандда Шохизинда меъморий ансамблини таъмирлашда иштирок этган жонкуяр мутахассислардан ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, шу йўналишда сўғи қотган кадрларнинг потенциалидан фойдаланиш мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш омилларидандир.

Тоҳиржон ҚОЗОҚОВ,
Наманган давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Соибжон Раҳманов кутлуғ 75 ёшни қарши олмақда.



чанлиги ва адолатпарварлиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига, ишончига сазовор бўлди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Соибжон Раҳмановнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Соибжон Раҳманович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Нуртдинжон Мадаминов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.



У тизимдаги узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонунийликни таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Нуртдинжон Мадаминовнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Ҳурматли Нуртдинжон Мадаминович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу баърака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

BILASIZMI?

ФУТБОЛДАН БОШЛАНГАН САНЪАТ



Биз Хулио Иглесиасни дунёнинг энг таниқли қўшиқчиларидан бири сифатида биламиз, аммо ҳамма ҳам унинг «Реал» клуби дарвозабони бўлганини эслолмайди.

Хулио болалигида спорт тўғрисида жиддий бош қотиради, футбол даромад манбаи эканлигини тушуниб етади. У спорт оламида муҳим шахс бўлишни орзу қилар, ўзини «Реал»нинг асосий ўйинчиси сифатида кўриб, жамоа билан кўлаб кучларни ютишини тасаввур қиларди. Ҳа, 16 ёшдан 20 ёшгача дарвозабон сифатида ўйнаган Иглесиас чиндан ҳам истеъдодли футболчи эди.

Хулио 16 ёшида «Реал» клуби академиясида пайдо бўлди. Клуб бу даврда ҳақиқатан ҳам ажойиб дамларни ўтказаятган эди, чунки кетма-кет беш марта Европа чемпионлари кубоги (ҳозирги Чемпионлар лигаси) совринини ютганди. Кўпчилик «Реал»да ўйнашни орзу қилади, Хулио эса бундай имкониятга эга эди. Мураббийлар

Иглесиас жуда қобилиятли дарвозабон эканлигини ва уни ёрқин келажақ кутаётганини тахмин қилишарди. Эҳтимол, фожиали воқеа бўлмаганида, биз Хулиони буюк қўшиқчи сифатида билмаган бўлардик.

1963 йилининг 22 сентябрида Хулио Иглесиас даҳшатли автоҳалокатга учради ва кейинги икки йилни шифохонада ўтказди: шифокорларнинг айтишича, у мўъжиза туфайлигина тирик қолган. Воқеада Хулионинг ўнг оёғи синган, умуртқа поғонаси ва юзининг чап томони жиддий жароҳатланган. Бундай жароҳатлардан сўнг майдонга қайтишни фақат орзу қилиш мумкинлиги маълум бўлади – Иглесиас энди юрши учун қаттиқ курашишга тўғри келган.

«Дастлаб кўрқдим. Атрофимдаги одамларнинг юзига қараб, вазиятни тушуниш-

га ҳаракат қилдим: омон қоламанми ёки йўқми деб ўйлардим. Кейинчалик яшаб кетишимни билганимда бундан кейин қандай яшашни ўйлай бошладим... Менга одамларнинг илиқ муносабати, мулоқот етишмасди ва қўшиқ ёзиб, гитара чалиш орқали буларни қидира бошладим...», – дея эслайди Хулио.

Айнан шу кўрқинчли даврда у қўшиқлар учун мусика ва шёрлар ёзишни бошлади.

Хулио ўзи ҳақида шундай дейди: «Мен қўшиқчи бўлиб туғилмадим, мен қўшиқчи га айландим».

1989 йилда Хулио гастрол сафари билан Москвага боради. Ўшанда қўшиқчи уни Лев Яшин билан учраштиришларини илтимос қилади. Айнан совет дарвозабонига Иглесиас жуда ихлос қўйган эди.

Учрашув жуда ҳаяжонли ўтган ва Хулио бир мунча вақт ҳаяжондан ўзига келолмай, Яшиннинг қўлларини ушлаб, ўпган.

Манба: chempionat.asia

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib
bosilganda manbaa sifatida gazeta
nomi ko'rsatilishi shart.

[i] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4266.
15 707 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi
va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: U.DEXKANOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa
ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonada manzil: Toshkent shahar,
Afisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
matbuot va axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Музаффар Исломовга волида муҳтарамаси **Малоҳат ҚАРИМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Сарвар Қурбоновга турмуш ўртоғи **Саҳирям ҚУРБОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Сурхондарё вилояти бошқармаси жамоалари вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Жаъфар Қўзиевга** турмуш ўртоғи **Эъзоза БАЛЛИЕВА**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори Камолитдин Рўзметовга падари бузруквори

Худайназар РЎЗМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Товар-хомашё биржаси ва “Mobiuz” мобиль алоқа оператори ўртасида талаб юқори бўлган мобил рақамларни биржанинг онлайн аукциони орқали сотишга келишди.

6-AVGUST 2020-Y.

HUQUQ № 31

(1228)

11



ШОМУРОДОВ РЎЙХАТДА БИРИНЧИ

Россия премьер-лигасини бешинчи ўринда яқунлаган «Ростов» клуби ёзги трансфер вақтида биринчилардан бўлиб етакчи футболчилар – Элдор Шомуродов ва Матиас Норманни сотишга қарор қилди.

Россиянинг «Ростов» клуби бу мавсумда Европа чемпионлар лигасида қатнашиш учун курашган эди. Премьер-лиганинг биринчи қисмида жуда кучли ўйнаган Валерий Карпин шогирдлари карантиндан кейин имкониятни секин-аста кўздан чиқарди ва мақсадига ета олмади. Ўзининг муҳим голлари билан «Ростов»нинг галабаларига катта ҳисса қўшган Элдор Шомуродов карантин вақтида юқори спорт формасини ушлаб тура олмади ва унинг ўйинида пасайиш юзага келди. Асосий ҳужумчиси ярим йил давомида бирорта гол урولмаган «Ростов» карантингача жамғарилган очколар ҳисобига Европа лигасига илиниб қолди холос.

Пандемия туфайли катор клубларда бўлгани каби «Ростов»нинг ҳам иқтисодий аҳоли яхши эмас. Жамоа Ростов вилояти маъмуриятидан етарли маблағ ололмаётгани боис клуб раҳбарияти машошларни қамайтирмоқчи.

Элдор Шомуродов ва Матиас Норманн клубнинг энг қиммат ўйинчилари ҳисобланади, раҳбарият уларнинг трансферидан бошқа футболчилардан кўра кўпроқ даромад олишни режа-

лаштирмоқда. Бундан ташқари, ҳар икки футболчида Россия премьер-лигасидан ташқари хориж клубларидан ҳам таклифлар бўлмоқда.

Хусусан, Элдор Шомуродовга Москвадан кудратли клублари, Бельгия ва Германия чемпионати иштирокчилари жиддий қизиқаяпти. Яқинда ростовликлар келаси мавсумда чемпионлар лигасида иштирок этадиган «Гент» клубининг Шомуродов трансфери бўйича олти миллион евролик таклифини рад этганди. Чунки жамоа Шомуродов трансферидан бундан кўпроқ маблағ олишига ишонмоқда. Бу ҳақиқатга яқин. Чунки Россиянинг етакчи нашрларидан «Спорт экспресс» газетаси ҳам ўзбекистонлик легионернинг трансфер суммаси кўтарилганини кайд этди.

«Кеча Шомуродов оддий ўзбек футболчиси эди. Ҳозир унинг хизмат нархи 15-20 миллион еврога тенг. Солиштирадиган бўлсак, Элдор «Спартак»нинг бирорта ҳужумчисидан кам эмас», – деб ёзмоқда «Спорт экспресс» газетаси.

Хуллас, яқинлашиб келаётган ёзги трансфер мавсуми анча қизийдиган кўринади.

ОСТОН ЎРУНОВ БУНДЕСЛИГАГА ЎТАДИМИ?

Ҳамюртимиз Остон Ўрунов фаолиятида жиддий ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистонлик футболчи Москванинг «Спартак» жамоасида тиббий кўрикдан ўтди. Шу икки кун ичида кўрик тугаши билан ҳамюртимиз ва «Спартак» клуби ўртада шартнома имзоланади.

Россиянинг sportsdaily.ru, soccer.ru каби катор нуфузли сайтлари тарқатётган маълумотга кўра Остон Ўрунов «Спартак»га ўтиши билан бундеслиганинг номи сир тўтилатган клубига трансфер қилинади. Бу келишувнинг суммаси 5 миллион евро бўлади.

Бу трансферларнинг бошида Ўруновни Тошкентнинг «Локомотив» жамоасидан 200 минг евро эвазига «Уфа» клубига олиб кетган Шомил Газизов турибди. Футболчимиз талаш бўлаётган айни вақтда бу мутахассис унга Европа-

трансфер қилиб, дарров учинчи клубга ўтказиб юборади. Бундан ҳар икки клуб фойда кўради. Одатда бундай усулни ФИФА тақиқлаган. Лекин коронавирус пандемияси туфайли ФИФА жорий этган вақтинчалик қоидага биноан футболчи бир вақтда учта клубни алмаштиришига руҳсат берилди.

«Спартак» Остон Ўрунов учун 2 миллион евро тўлаши айтилмоқда. Ҳамюртимизнинг маоши йилга 600 минг евро қилиб белгиланган. Немис клуби берадиган 5 миллион евродан 20 фоиз келишув бўйича «Уфа» жамоасига тегади. Демак, бошқирдистонликлар Остон Ўруновнинг трансферидан жами 3 миллион евро ишлаб олади. Бир миллион евро солиқ, агентлар комиссияси ва бошқа харажатларга кетади. «Спартак» клуби эса 2 миллион сарфлаган футболчисини бир кунда 3 миллион еврога сотади.

Остон Ўруновнинг трансферини таҳлил қилаётган мутахассислар яна бир вариантни



дан 5-6 миллионлик таклиф борлигини айтган эди. Шомил Газизовнинг кутилмаганда «Спартак» жамоасидан бош директор бўлиш таклифини олгани ва уни қабул қилгани Ўзбекистон терма жамоаси футболчисининг трансфери бироз мураккаб шаклда амалга оширилишига сабаб бўлгани ойдинлашапти.

Унга кўра Шомил Газизов Ўруновни ўзининг собик клубидан янги жамоасига

илгари сурмоқда. Унга кўра 19 ёшли футболчининг истеъдодига қаттиқ ишонаётган Шомил Газизов уни «Спартак»да ўйнатиш орқали нархини янада ошириб, келаси мавсум якунида қимматроқ нархага трансфер қилиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам «Спартак» ютади.

Хуллас, ўзбек футболчисининг бундан кейинги фаолияти ҳам қизик бўладиган кўринади.

САНЧО РОЗИ

Дортмунднинг «Боруссия» клуби яримҳимоячиси Жейдон Санчо фаолиятини «Манчестер Юнайтед» жамоасида давом эттириши мумкин.

«The Guardian» нашри журналисти Фабрицио Романонинг таъкидлашича, клублар 20 ёшли футболчининг трансфери бўйича деярли келишиб бўлган. «Манчестер Юнайтед» клуби трансфер пулини бўлиб-бўлиб тўламоқчи. Ҳозирча бу борада музокара давом этапти.

«Манчестер Юнайтед» Санчо билан музокарада қийинчиликка учрамади – аллақачон келишувга эришилган. Англиялик футболчи билан беш йиллик битим имзоланади. Санчонинг «Боруссия» клуби билан шартномаси 2022 йилда тугайди. Бундеслиганинг жорий мавсумида 32 ўйинда майдонга тушган футболчи 17 гол, 16 та голли узатмага муаллифлик қилди.

ИТАЛИЯДА СЕРМАҲСУЛ ФУТБОЛ

Бу мавсум кучли бешлик чемпионатлари орасида энг кўп гол Италияда киритилди.

Расман Европанинг энг кучли бешта чемпионати – АПЛ, ла лига, А серия, бундеслига ва 1-лига яқунланди. Эътиборлиси, улар орасида сермаҳсуллик бўйича Италия чемпионатида етадигани бўлмади. Айнан А серияда энг кўп гол урилди – 1154 та гол. Бу эса ҳар бир ўйинга ўртача 3,04 та гол тўғри келади деганидир. Кейинги ўринлардан эса АПЛ (1034), бундеслига (982), ла лига (942) ва 1-лига (704) жой олди. Бироқ улар орасида фақатгина Франция чемпионати коронавирус туфайли муддатидан аввал яқунланди.



КОНТЕ ГАЗЕТА БИЛАН СУДЛАШМОҚЧИ

«Интер» бош мураббийи Антонио Конте «Ювентус»га қарши нияти борлиги ҳақидаги хабарни инкор қилди ҳамда ушбу хабарни тарқатган нашр устидан судга шикоят қилмоқчи эканини маълум қилди.



Аввалроқ «La Repubblica» нашри хабар тарқатиб, Конте «Ювентус» вакиллари билан алоқага чиқиб, Маурисио Саррининг клубдаги келажагига қизиқгани ҳақида маълумот берган эди. «Мен «Ювентус» менежери ва ўйинчилари билан гаплашганим, Саррининг истеъфоси билан қизиқганим ҳақидаги фактни қатъиян инкор қиламан. Ушбу хабар муаллифи ва газета бош муҳарририни судга бераман. Менинг «Интер» билан 3 йиллик шартномам бор ва бу даврда муваффақиятга эришиш учун сидқидилдан ишломқиман», – деди Конте.

ЙЎУТАЛГАН ЎЙИНЧИ МАЙДОНДАН ЧЕТЛАТИЛАДИ

Англия чемпионатида ҳакамларга махсус кўрсатма берилди. Унга кўра рақиб футболчилари ёки учрашувнинг расмий шахсларига қараб атайлаб йўталган ўйинчи майдондан четлатилади.

«The Times» тарқатган хабарга кўра, ушбу қоида Англиянинг барча лигаларига татбиқ этилади. Шунингдек, Британия прокуратураси инсонга қарата атайлаб йўталишга жиноят сифатида қарайди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди